ИНСТИТУТДА ЯНГИ БОСМАХОНА — 2-бет
«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ — 3-4-5 бетлар
ҚУТЛУҒ ИШЛАРНИНГ УЗВИЙ ДАВОМИ — 6-бет
ЗИЙРАК БОБОНИНГ НАВБАТДАГИ САФАРИ — 8-бет

ЖУМА



# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 84 (10.389) / 2005 ЙИЛ 29 АПРЕЛЬ

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### Қисқа сатрларда

● **БУГУН** Чилонзор туманидаги 173-мактабда «Камолот» сардорлари иштирокида ўтказилган ўқув семинари «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан уюштирилди.

● **КЕЧА** Тошкент ирригация ва мелиорация институти қошидаги академик лицейда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар ва Юнусобод туман Кенгашлари ҳамкорликларида талабалар ва ўқитувчилар иштирокида бўлиб ўтган тадбир «Икки палатали парламент шароитида сиёсий партиялар фаолиятининг муҳим йўналишлари» деб номланди.

● **КЕЧА** 300-боғчада «Маънавият ва маърифат» марказининг Яккасарой туман бўлими ташаббуси билан «Жамиятда аёлнинг ўрни» мавзуида ўтказилган тадбирда «Дамариқ» маҳалласининг фаол аёллари, тумандаги маҳаллаларнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилари иштирок этишди.

● **ЎТГАН** куни 21-мактабда «Камолот» ЁИҲ Юнусобод туман Кенгаши томонидан ташкил этилган иқтисодиётнинг долзарб муаммоларига бағишлаб ўтказилган семинарда «Камолот» сардорлари иштирок этишди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

*Тошкент шаҳар ҳокимлигида*

# ИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ МАСЪУЛИЯТ ВА ЖАВОБГАРЛИКНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

**КЕЧА Тошкент шаҳар ҳокимлигида кенгайтирилган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов томонидан Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг сессиясида билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда пойтахтнинг жорий йилнинг биринчи чорагидаги ижтимоий- иқтисодий ривожланиши якунлари муҳокама қилинди ва галдаги вазифалар белгилаб олинди. Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Абдуқаххор Тўхтаев олиб борди.**

Маълумки, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг сессиясида мамлакатимиз раҳбари пойтахтнинг республикамиз ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида яна бир бор атрофлича тўхталиб ўтиб, Тошкент шаҳри мамлакатнинг иқтисодий имкониятлари шаклланиши ва ривожланишида мустаҳкам негиз эканлигини ҳамда бу ерда юзага келаётган барча ижтимоий жараёнлар бевосита мамлакат ҳаётига ижобий таъсир кўрсатишини алоҳида таъкидлади. Ўз навбатида, пойтахтнинг айрим соҳаларига тааллуқли бўлиб қолаётган муаммо ва камчиликлар ҳам бутун республикага ўз таъсирини кўрсатиши сир эмас.

Фаоллар йиғилишида иқтисодиётнинг ҳисобот давридаги кўрсаткичларига, унинг айрим тармоқларидаги муаммоларга қисқа тавсиф бериб ўтилди, шунингдек, пойтахтнинг Эски шаҳар қисми ва марказий ҳудудларида олиб борилаётган кенг қамровли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига эътибор қаратилди.

Кун тартибидаги масалалар муҳокамаси давомида шаҳар коммунал хўжалигидаги вазият чуқур таҳлил этилди. Ушбу масала юзасидан сўзга чиққан шаҳар ҳудудий коммунал-фойдаланиш бирлашмаси бош директори ўринбосари Бахтиёр Раҳмонов 2004-2005 йилги кузги-қишки мавсумга тайёргарлик пайтида, шунингдек кўп қаватли уйларни тубдан таъмирлаш, коммунал хўжалигини ислоҳ қилиш бўйича бошқа дастурий вазифаларни бажариш жараёнларида йўл қўйилган хато ва камчиликлар устида батафсил тўхталиб ўтди.

Чунончи, қишки мавсумга тайёргарлик кўриш давомида 784 та кўп қаватли уйларда тубдан таъмирлаш режалаштирилган эди. Айрим объектив ва субъектив сабаблар оқибатида белгиланган вақтга қадар барча ишларни тугатиш имкони бўлмади. Худди шундай вазият жорий йилнинг биринчи чорагида ҳам кузатилди. Капитал таъмирлашга белгиланган 135 та уйдан атиги 26 тасида ишлар амалга оширилди. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, бу борада молиялаштириш масаласи ўз вақтида ҳал этилган. Қолаверса, имкониятлар бўла туриб, газ ва ичимлик суви сарфини ҳисоблаш ўлчагичларини ўрнатиш, жумладан капитал таъмирлашга тушган уйларда ҳам суст олиб борилган.

Жорий йилнинг январь ойига нисбатан аҳолининг коммунал хизматларига бўлган дебитор қарздорлиги ҳам ўрта ҳисобда етти фоизга кўпайган. Туманлар кесимида оладиган бўлсак, ушбу кўрсаткич 20-30 фоизни ташкил этади. Аҳолининг фақат иссиқлик манбалари бўйича қарзи шу йилнинг 1 апрель ҳолатига 17,4 миллиард сўмга тенг бўлган, бу эса биринчи чорак якунлари билан солиштирганда 1 миллиард сўмга кўпдир.

**Давоми 2-бетда.**

## XXI аср садоси

**Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар**

### Мамлакатимизда

● **Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси аъзолари ҳамда талабаларнинг учрашуви “Парламент ва ёшлар” мавзусига бағишланди.**

● **Кеча Тошкент шаҳар прокуратурасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ва Бош прокуратура БМТнинг Болалар жамғармаси билан ҳамкорликда “Вояга етмаганлар: қаровсизлик ва ҳуқуқбузарликларни олдини олишнинг долзарб муаммолари” мавзусида илмий амалий конференцияни ташкил этди.**

● **Республика Миллий матбуот марказида умумтаълим мактаб ўқувчилари ўртасида “Энг зукко ёш истеъмолчи — 2005” кўрик- танловининг Тошкент шаҳар босқичи ўтказилди.**

● **Қашқадарё вилоятининг Косон туманидаги Гувалик қишлоғида янги спорт мажмуаси қурилиб фойдаланишга топширилди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг вилоят бўлими мажмуа қурилиши учун 179.8 миллион сўм маблағ сарфлади.**

### Жаҳонда

● **Кеча Россия Президенти Владимир Путин илк бор расмий ташриф билан Исроилга келди.**

● **Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар авиасозлари ҳамкорликда дунёда энг улкан А-380 аэробусини яратдилар ва кеча ушбу ҳаво кемасининг илк синов парвози муваффақиятли ўтди. Салонига 840 нафар йўловчини сиғдира оладиган мазкур самолётлардан 154 тасини сотиб олишга 15 та авиакомпания буюртма берди.**

● **Америка ҳукумати халқаро терроризм борасида янги маълумотларни эълон қилди. Унга кўра терроризмга қарши кураш қанчалик кучайтирилмасин, уларнинг сони йилдан йилга ошиб бормоқда. Жумладан, 2004 йилда террорчилик ҳаракатлари қурбонлари сони 1,9 мингдан ошиб кетган.**

● **Японияning Осака шаҳрида ушбу мамлакат тарихида энг йирик темирйўл ҳалокати рўй берди. Ҳайдовчи бурилишда поезд тезлигини ниҳоятда оширганлиги сабабли у издан чиқиб кетган ва кўп қаватли турар жой биносига урилган. Натижада 101 киши ҳаётдан кўз юмди, 400 дан ортиқ йўловчи шифохонага ётқизилди.**

*Муносабат*

# ЎЗ ҲИССАМИЗНИ ҚЎШАМИЗ

● **Хушрўй АҲМАТОВА, Юнусобод туманидаги “Боғишамол” маҳалласи фуқаролар йиғини раиси:**

— Куни кеча бўлиб ўтган Тошкент шаҳар Кенгашининг сессиясида Президентимиз [illegible]им пойтахтимизнинг сиёсий-ижтимоий, маънавий ҳаётимиздаги, давлат бошқаруви, иқтисодиётимиздаги ўрни ва аҳамияти, меҳнаткаш, бағрикенг, ҳамиша изланиб, келажакка интилиб яшайдиган халқимиз ҳақида тўхталиб, айни вақтда ечимини кутаётган муаммо ва камчиликларга ҳам алоҳида эътибор қаратдилар. Айниқса Юртбошимизнинг “Тошкент маҳаллаларидаги инсонийлик муҳити, ўзаро меҳр-оқибат ҳар бир юртдошимизда катта ҳавас ва ғурур уйғотади. Дунёнинг пасту баландини кўрган маҳалла оқсоқоллари, кайвони онахонлар ўзларининг ҳаёт тажрибаси билан ёшларга тарбия ва сабоқ бериб, анъаналаримиз давомийлигини асраб келаётгани ибратлидир” деган сўзлари бир мени эмас, барчанинг кўнглини тоғдек кўтарди десам янглишмайман. Биз маҳалла фаоллари, каттаю кичик Юртбошимиз маърузаларини диққат билан ўқиб, ўрганиб, бизга билдирилган ишонч ва эътибордан руҳланган, ҳақли эътироз ва тўғри танқиддан хулоса чиқарган ҳолда Президентимизнинг “Таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистон деб аталган шу табаррук заминга эзгу ният билан бир ниҳол экмоқчи бўлсак, уни айнан шу бугун экишимиз керак” деган сўзларини дастуруламал қилган ҳолда янги куч, янги ғайрат билан она-заминимиз, табаррук хонадонимиз, мустақил диёримизнинг гуллаб-яшнаши, янада обод бўлиши йўлида ўз ҳиссамизни қўшишга аҳд қилдик. Шу юрт фарзанди бўлган барча ҳамшаҳарларимизни ҳам хайрли мақсад билан яшаб, меҳнат қилишга чақириб қоламиз.

* * *

● **Мавлуда АЛИМЖОНОВА, Шайхонтоҳур туманидаги 215-мактаб директори:**

— Шаҳар Кенгаши сессиясида Президентимиз ҳар бир соҳадаги ютуқ ва муваффақиятлар ҳақида қувониб, йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар, ечимини кутиб турган муаммолар ҳақида куюниб гапирдилар. Мен маърузани диққат билан эшитар эканман, айнан халқимизнинг юрагидаги гаплар айтилганини ҳис қилдим. Айниқса Президентимизнинг “Бугун раҳбар бўлиш ўзи осон эмас. Бу — ўта мураккаб ва ўта масъулиятли иш” деган фикрлари ҳар бир раҳбар олдига ўз фаолиятига танқидий кўз билан қараб баҳо беришга, ҳаётда бўлаётган воқеа-ҳодисалардан тўла хабардор бўлиб одамларни тўғри йўлдан, ўз ортидан эргаштиришга қодир бўлишга даъват қилади. Мактабимизда 9-синфларда “Маънавият ва маърифат”, 6-7 синфларда “Ватан туйғуси” дарсларида ўқувчиларга Юртбошимизнинг маърузалари бўйича тушунтириш сабоқларини ўтдик, ҳудудимиздаги “Эшонгузар” ва “Каттабоғ” маҳаллалари аҳолиси ва ўқитувчилар билан маърузани ўрганишга бағишланган учрашувлар ўтказдик. Ва ҳар биримиз ўсиб келаётган ёшларга тўғри тарбия бериш, уларнинг соғлом, маънан етук инсон бўлиб вояга етишларига янада кўпроқ ҳисса қўшишни ўз вазифамиз деб билган ҳолда атрофга тийрак кўз билан боқишга аҳд қилдик.

# ИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ МАСЪУЛИЯТ ВА ЖАВОБГАРЛИКНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

Давоми. Боши 1-бетда.

Йўл қўйилган камчиликлар ва мавжуд муаммоларни ҳисобга олган ҳолда фаоллар йиғилишида тегишли тузилмалар раҳбарлари ҳамда бевосита туман ҳокимлари эътибори белгиланган мажбуриятларни бажариш борасида назоратни кучайтириш, коммунал хўжалигининг барча тармоқларида сифат кўрсаткичларига эришиш лозимлигига қаратиб ўтилди.

Долзарб масалалар қаторида пул-кредит сиёсатини барқарорлаштиришда муҳим омил ҳисобланган савдо ва хизмат кўрсатишни ривожлантириш борасидаги ишлар таҳлил этилди.

Ҳар ойда пенсия ва нафақаларни тўлаш учун ўрта ҳисобда 7,6 миллиард сўм, стипендиялар учун — 19 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланади. Демак, ушбу маблағлар вақтида нақд пул кўринишида таъминланиши зарур. Ушбу масала ечими эса, маълумки, тўғридан-тўғри савдо, умумий овқатланиш, яъни ўз фаолиятини товар ва хизматларни нақд пул ҳисобига амалга ошириш билан боғлиқ субъектларга боғлиқдир.

Савдо, хизмат кўрсатиш ва халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш департаменти бошлиғи Равшан Абдумажидов маълумотига кўра, бугунги кунда пойтахтда 11,5 мингдан зиёд чакана савдо корхоналари фаолият юритади. Жорий йилнинг биринчи чорагида 21 та савдо ва 18 та умумий овқатланиш шохобчаси очилган. Таҳлилларга қараганда, ушбу субъектлар томонидан нақд пулни барқарор равишда инкасса қилиб бориш механизми тўлиқ татбиқ этилмаётир. Йиғилишда таъкидлаб ўтилганидек, ушбу масалада солиқ органлари ва банк тузилмаларига катта масъулият юклатилишига қарамасдан, улар ўртасидаги нақд пулларнинг банкдан ташқари айланмасини вақтида аниқлаш ва олдини олиш борасида ҳануз ўзаро ҳаракатлар йўлга қўйилмаган.

Ҳисобот даврида 16.188 та хўжалик субъектлари билан имзоланган инкассация шартномалари бўйича банк муомаласига 126 миллиард сўм киритилган. Шу билан бирга Тошкент шаҳар инкассация бошқармаси томонидан ҳисобот даврида 17.562 та хўжалик субъекти нақд пулларни банк муомаласига киритиш бўйича ўз мажбуриятларини бажармагани аниқланган. Жумладан, «Регионал бизнес», «Интер-Сам» (Ҳамза тумани) ва «Глоб-тур пайн» (Акмал Икромов тумани) масъулияти чекланган жамиятлари томонидан юқори ликвидли товарларнинг олди-сотди жараёнида 3 миллиард сўмдан зиёд нақд пул олинган. Аммо ушбу маблағ мазкур хўжалик субъектларининг инкасса ҳисоботларида тасдиқланмаган. «Алексон-РУ» (Собир Раҳимов тумани), «Биосал-текс» (Бектемир тумани), «Люкс-Лайн» (Чилонзор тумани) ва «Делисс-Найт» (Ҳамза тумани) масъулияти чекланган жамиятлари ҳам бир миллиард сўмдан зиёд савдо операцияларини банкдан ташқари амалга оширган.

Шу каби қонунбузарликларнинг олдини олишда пластик карточкалардан кенг фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш соҳаларига терминалларнинг фаоллик билан татбиқ этилиши аниқ самара бериши шубҳасиз. Аммо, афсуски, статистик маълумотларга қараганда (терминаллар пойтахт савдо корхоналарининг атиги 10 фоизида ўрнатилган), ушбу масала тегишли тузилмалар, шу жумладан савдо, хизмат кўрсатиш ва халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш департаментининг эътиборидан четда қолмоқда. Ушбу ташкилот савдо йўналиши бўйича тадбиркорлик билан шуғулланаётган тузилмаларнинг манфаатдор экanлигига қарамасдан, аниқ вазиятни ҳисобга олган ҳолда тегишли ускуналарни харид қилиб ўрнатишда таъсирчан кўмак бермаётир. Қолаверса, таъкидлаб ўтиш лозимки, амалиётга пластик карточкаларнинг жорий этилиши хизматлар сервисини оширишга аниқ замин яратади, бу эса бозор иқтисодиёти шароитида долзарб масалалардан биридир.

Йиғилишда ўрта махсус ва умумий таълим соҳасидаги дастурий вазифаларнинг бажарилиши ҳам кўриб чиқилди. Бугунги кунда пойтахтда 117 та ўрта махсус ўқув юртлари фаолият юритади. 100 дан зиёд йўналишлар бўйича мутахассисликка эга бўлган 20.733 нафар ёшлар коллеж ва лицей битирувчилари ҳисобланади. Аммо уларни ишга жойлаштириш масаласи ҳамон муаммо бўлиб қолмоқда. Ўқув юртларининг амалиёт ўтиш учун корхона ва ташкилотлардан иборат негизи бўлишидан қатъи назар, ёш мутахассисларнинг аксарият қисми бозор иқтисодиёти шароитида ўз ўрнини топа олмаган.

Жорий ўқув йилида 26.456 нафар ўғил-қизлар коллеж ва лицейларни тугатади. Шубҳасиз, уларнинг кўпчилиги олий ўқув юртларида ўқишни давом эттиришга хоҳиш билдиради. Аммо ишлаш истагида бўлганлар учун вакант жойлар масаласи ҳалигача якунига етмаган. Дарвоқе, йиғилишда таъкидлаб ўтилганидек, меҳнат органларининг таклифи ҳар доим ҳам талабга жавоб бермайди. Масалан, кейинги вақт давомида туманлар кесимида ўнлаб меҳнат ярмаркалари ўтказилган бўлса, атиги 238 нафар кишига ишга йўлланма берилган. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш идоралари томонидан эса 8000 дан зиёд бўш ишчи ўринлари мавжудлиги хусусида ахборот берилган.

Бундан ташқари, ҳар бир соҳа бўйича кадрларни тайёрлаш масаласида ҳам чуқур таҳлил талаб этилади. Маълумотларга қараганда, бугунги кунда ўрта малакали тиббиёт ходимларига бўлган талаб мувофиқлаштирилган, аммо соғлиқни сақлаш бўйича ўрта махсус ўқув юртлари томонидан бу борада эҳтиёж ўрганилмай қолмоқда. Шуларни ҳисобга олган ҳолда ва аниқ вазиятдан келиб чиқиб, касбга йўналтириш ишларини, ўғил-қизларнинг қобилиятини ўрганиб бориш ва бу борадаги ўрта малакали кадрларни тайёрлаш бўйича яқин келажак ва истиқболга йўналтирилган дастур ишлаб чиқилиши тақозо этилади.

Умумтаълим ўқув юртларида педагог кадрларнинг етишмаслиги масаласи ҳам ечимини топмаган. Фоиз кўринишида ушбу кўрсаткич 9 бирликни ташкил этсада, аммо профессионал даражасига келганда, афсуски, сифат масаласи устунлик қилмоқда. 3 мингдан зиёд мактаб ўқитувчилари ўрта махсус ҳамда тугалланмаган олий маълумотга эга, бу эса пировардида ўқиш жараёни сифатига ҳам таъсирини кўрсатмай қолмайди.

Гап ўсиб келаётган авлоднинг дастлабки билим негизи ҳақида борар экан, йиғилишда таъкидланганидек, Халқ таълими бош бошқармаси томонидан ушбу йўналишда стратегик вазифа ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, капитал таъмирлаш ва қурилиши режалаштирилган мактабларни вақтида фойдаланишга топшириш учун Халқ таълими бош бошқармаси ва пудрат ташкилотлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш лозимлигига урғу бериш жоиздир.

Йиғилишда барча кўриб чиқилган масалалар бўйича билдирилган фикр-мулоҳазалар ва камчиликларни инобатга олган ҳолда тегишли қарорлар қабул қилинди. Ва шу ўринда барча доирадаги раҳбарларга ўз ишига масъулият ва жавобгарликни кучайтириш, белгиланган вазифаларни амалга оширишда ҳар бир тузилмани фаоллаштириш лозимлигига урғу бериб ўтилди, зеро уларнинг вақтида ва сифатли бажарилишида инсон омилининг аҳамияти, ҳар бир кишининг ижтимоий истиқболи кўзлангандир. Шу нуқтаи назардан ҳар бир раҳбар ўз ҳаракатларини онгли равишда, масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда бамаслаҳат ва ҳамжиҳатлик билан амалга ошириши лозим.

Шаҳар фаоллари йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирининг биринчи ўринбосари Галина Саидова иштирок этди.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**

# ЯНГИ БОСМАХОНА ОЧИЛДИ

**Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институтида Япония ҳукуматининг беғараз ёрдами асосида янги босмахона очилди.**

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимиз таълим соҳасида Президент Ислом Каримов ташаббуси билан амалга оширилаётганислоҳотлар жаҳонда катта қизиқиш уйғотаётганини алоҳида таъкидлади. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳозирги босқичида таълим сифатини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда ўқитувчиларни замон талаби даражасида қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Кунчиқар давлатда таълимни юксалтиришнинг ўзбек моделига қизиқиш катта. Таълим соҳасида йўлга қўйилган ўзаро ҳамкорлик натижаси ўлароқ, мамлакатимизда «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқитувчиларининг малакасини оширишни такомиллаштириш» лойиҳаси амалга ошириб келинмоқда. 646 миллион япон йени миқдоридаги бу лойиҳа бир ярим йилга мўлжалланган.

Мазкур лойиҳа асосида ишга туширилган янги босмахонада соатига икки ярим минг нусхадан кўпроқ дарслик, методик қўлланма, ўқув плакатлари ва бошқа нашрларни чоп этиш мумкин.

Айни пайтда юртимизнинг турли вилоятларидаги тўққизта касб-ҳунар коллежига металлни қайта ишлаш, доришунослик, ҳамширалик иши, агрономия, ветеринария, телерадио аппаратларини таъмирлаш каби соҳалар бўйича зарур жиҳоз ва ускуналар жўнатилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов, Японияннинг юртимиздаги Фавқулода ва мухтор элчиси Юичи Кусумото иштирок этди.

**Республика давлат болалар кутубхонасида йод етишмовчилиги сабабли келиб чиқадиган касалликлар ва уларнинг олдини олиш масалаларига бағишланган мулоқот бўлиб ўтди. «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастури доирасида ташкил этилган тадбирда шифокорлар, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ҳамда умумтаълим муассасалари ўқитувчи ва ўқувчилари, маҳалла фаоллари иштирок этди.**

*2005 - Сиҳат-саломатлик йили*

# ЙОДЛАНГАН ТУЗНИНГ ХОСИЯТИ

Шифокорлар йод моддаси етишмовчилиги болаларнинг жисмоний ва ақлий ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши, катталарда эса турли хасталиклар, жумладан, бўқоқ касаллигини келтириб чиқариши мумкинлигини айтиб ўтди. Бу муаммони бартараф этишнинг самарали йўли - йодланган тузни истеъмол қилишдир.

Мутахассислар мамлакатимизда йодланган туз ишлаб чиқариш тизимини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар, савдога чиқарилаётган тузнинг йодланганлик даражасини аниқлаш усуллари, тўғри овқатланиш ва гигиена талабларига риоя қилиш қоидалари хусусида сўзлади. Аҳоли тиббий маданиятини янада юксалтиришда тиббиёт муассасалари билан бирга жамоат ташкилотлари, таълим муассасалари вакиллари ҳамда кутубхоначилар иштироки яхши самара бериши таъкидланди.

**ЎзА**

## ХОТИН-ҚИЗЛАР ТАШКИЛОТЛАРИ: ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

**Пойтахтимизда «Марказий Осиё ва Кавказ минтақалари давлат тузилмалари, жамоат ташкилотлари ва бизнеси ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш» мавзуида семинар бўлиб ўтди. У Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, ишбилармон аёлларнинг «Тадбиркор аёл» уюшмаси томонидан Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.**

Анжуманда вилоятлар хотин-қизлар қўмиталари раислари, ишбилармон аёллар уюшмасининг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари, Ўзбекистон, Озарбойжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон жамоат ташкилотлари, давлат тузилмалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида оила ва жамиятда хотин-қизларнинг мавқеини ошириш, уларни давлат ва жамият қурилишининг барча соҳаларига фаол жалб этиш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаётда тўлиқ иштирок этишини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор берилаётганини таъкидлади.

Ҳозирги вақтда республика Хотин-қизлар қўмитаси мамлакатимиз Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида хотин-қизлар нодавлат-нотижорат ташкилотлари билан самарали ҳамкорлик қилмоқда, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш жараёнларида хотин-қизларнинг ролини ошириш бўйича изчил ҳаракат қилмоқда.

Қўмита фаолиятининг устувор вазифаларидан бири хотин-қизларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб этиш масаласидир. Хотин-қизларнинг бандлиги масаласини ҳал этиш, уларнинг меҳнат ва ўқиш шароитларини, айниқса қишлоқ жойларда яхшилаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этишга қаратилган ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилган ва амалга оширилмоқда.

Семинарда сўзга чиққан Қозоғистон Ишбилармон аёллар уюшмаси раиси Р.Сарсенбаева, Озарбойжон Савдо-саноат палатаси бўлим бошлиғи Ф.Оруджев, Тожикистон Ишбилармон аёллар уюшмаси вакили Г.Маҳкамова ва бошқалар ҳозирги глобаллашув шароитида хотин-қизлар мавқеини ошириш соҳасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, жумладан, хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун жамоат ташкилотлари ва давлат тузилмалари ўртасида яқин ҳамкорлик, тажриба алмашиш муҳим аҳамиятга эга эканини қайд этдилар.

Мазкур семинар-тренинг тажриба, янги ғоялар алмашиш, давлат тузилмалари ва хусусий тармоқ ўртасидаги ҳамкорликни янада яхшилаш механизмларини ишлаб чиқиш имконини беради. Анжуман давомида қатнашчилар самарали музокаралар олиб бориш, бизнесни йўлга қўйиш босқичлари, ўзаро фойдали муносабатларни ривожлантириш тўғрисида фойдали маълумотларга эга бўлдилар.

**Зухра УСМОНОВА, ЎзА мухбири**

## Савол сиздан, жавоб биздан

### ҲУРМАТЛИ ОҚШОМХОНЛАР!

**Газетамиз саҳифаларида шу кунга қадар "Сўранг, жавоб берамиз" рукни остида турли соҳа мутахассисларининг саволларингизга жавоблари бериб келинар эди. Ҳозирда таҳририятимизда ҳуқуқшунос-маслаҳатчи ўз фаолиятини бошлади.**

**Шу сабабдан ушбу сондан бошлаб газетамиз саҳифаларида "Савол сиздан, жавоб биздан" янги рукнини ташкил этяпмиз. Ўзингизни қизиқтираётган саволлар билан таҳририятимизга мактуб йўллашингиз ёки 133-57-02 телефони орқали ҳуқуқшунос Дониёр Аюповга қўнғироқ қилишингиз мумкин.**

**Қўнғироқларингиз, мактубларингизни кутамиз.**

**Қуйида эса дастлабки саволларга жавобларни ҳавола этамиз.**

**Савол: Мен меҳнат шартномаси асосида чет элга бориб ишлаб келмоқчи эдим. Бунинг учун қаерга мурожаат қилишим керак?**

**Жамшид Қодиров,**
**Шайхонтоҳур тумани**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳукуматлараро, идоралараро шартномалар ва битимлар асосида фақат Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ва Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича хўжалик ҳисобидаги минтақавий бюроларнинг кўмагида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элга бориб ишлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Меҳнат шартномалари бўйича меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элларга фақат Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан бериладиган рухсатнома асосида чиқишга йўл қўйилади.

Фуқароларнинг контрактлар бўйича чет элларда меҳнат фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ чиқиш ҳужжатларини расмийлаштириш Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан белгиланган шаклга мувофиқ бериладиган рухсатномалар асосида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан рухсатнома берилгандан кейин фуқаролар чиқишни расмийлаштириш учун яшаш жойидаги Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг келиш, кетиш ва фуқаролик бошқармаси бўлинмасига ариза билан мурожаат қиладилар.

**Савол: Мен ёшга доир пенсияга чиққанман. Республикамизнинг ихтисослаштирилган тиббий марказларида бепул даволанишим мумкинми?**

**Моҳира Юсупова,**
**Чилонзор тумани**

**Жавоб:** Агар Сиз ёшга оид пенсияга чиқиб, ҳозирда ҳеч қаерда ишламаётган бўлсангиз, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 26 февралдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг 10-бандига асосан Республика ихтисослаштирилган марказлари томонидан давлат бюджети маблағлари ҳисобига тиббий ёрдам кўрсатиладиган имтиёзли тоифадаги шахслар рўйхатига кирасиз. Шу сабабли Сиз, Республикамизнинг ихтисослаштирилган тиббий марказларида бепул даволаниш ҳуқуқига эга бўласиз.

**Ҳурматли ҳамшаҳарлар!**
**Ўзингизни қизиқтирган барча масалалар бўйича 133-57-02 телефонига қўнғироқ қилсангиз малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз. Мактуб ёзинг, қўнғироқ қилинг.**

*9 май — Хотира ва Қадрлаш куни*

# ВАТАНДОШЛАРИМИЗ ХОТИРАСИ АВЛОДЛАР ЁДИДА МАНГУ

**Бу йил мамлакатимизда — 9 май байрами нафақат Хотира ва Қадрлаш куни, балки Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган тарихий ғалабанинг 60 йиллиги сифатида ҳам кенг нишонланади. Шу боисдан доноларимиз айтганидек: "Мозийга қайтиб иш кўриш хайрли" эканлигини унутмаслигимиз жоиз.**

Давримизни нурли истиқбол сари элтаётган, ҳар бирида асрларга татигулик тарих мужассам шу шиддатли кунларда ортимизга қайрилиб, ўтган асрнинг қирқинчи қирғинбарот йилларида жон олиб, жон берган ота боболаримиз, авлод-аждодларимиз, юртдошларимиз хотирасини бир қур бўлса-да ёдга олмоқ фарзимиз ва қарзимиздир. Зеро, юртимиз озодлиги ва эркинлиги йўлида, халқимизнинг қадр-қиммати, ор-номуси, миллий анъаналаримиз ва урф-одатларимизни ҳимоя қилишда, босқинчи ва ёвуз кучларга қарши машаққатли курашларда қурбон бўлган минглаб ватандошларимиз хотираси миннатдор авлодлар ёдида абадий сақланади.

Беш йил давом этган ва дунёдаги кўп халқлар бошига не-не кулфат ва фожеалар ёғдирган урушнинг жабру жафоси Ўзбекистонимиздаги бирон-бир хонадонни четлаб ўтган эмас. Гарчи орадан олтмиш йил вақт ўтган бўлса-да, ўша даврдаги машъум йўқотишлар ҳозирги кунда барҳаёт бўлган ота-оналаримиз, авлод-аждодларимиз дилларини зирқиратади. Ҳамон улар урушда йўқотган азиз жигарбандларини эслаб, зор қақшайдилар.

Бу бежиз эмас албатта. Расмий ҳужжатларга мурожаат этсак, қуйидаги маълумотлардан хабардор бўламиз: Иккинчи жаҳон урушига Ўзбекистондан 1 миллион 433 минг 230 нафар эркаклар, ярим миллионга яқин хотин-қизлар сафарбар бўлишган. Агар 1941 йилда республика аҳолиси 6,5 миллион кишини ташкил этганини инобатга олсак, амалда қўлига қурол тутишга яроқли бўлган ҳар бир ватандошимиз ўз уйи, оиласи, эл-юрти тинчлиги ва осойишталиги учун жангга отланганини маълум бўлади.

Фашизм вабосини ер юзидан даф этиш учун бўлган ҳаёт-мамот жангларида ватандошларимиз ҳам тенгсиз мардлик ва жасорат намуналарини кўрсатишган, муносиб тақдирланишган.

Энг ачинарлиси шуки, 604 минг 52 нафар ҳамюртимиз уруш майдонларидан ногирон бўлиб қайтган, 450 мингдан зиёд ватандошимиз эса қонли жангларда қаҳрамонларча ҳалок бўлган, бегона юрт, тупроқларда қолиб кетган. Ахир улар азиз ва муқаддас, қутлуғ макон, Она-Ўзбекистонда туғилиб, униб-ўсган эдилар-ку!

Президентимиз айтганларидек: "Ҳамюртларимиз урушда Оврўподаги қандайдир тепалик ёки қаҳрамон шаҳарлар учун эмас, биринчи навбатда, жонажон юртимиз, унинг озодлиги ва мустақиллиги, порлоқ келажаги учун жонларини фидо қилганлар". Шундай экан, олис Оврўпонинг куйиб ёнган ўрмонлари, кули кўкка совурилган шаҳар, қишлоқлари ёки бошқа ўлкаларнинг ҳудудларида шаҳид бўлган мард ва баҳодир юртдошларимизни "Номаълум аскар" лар деб бўладими? Йўқ асло. Улар номаълум эмас эдилар!

Юртбошимизнинг ташаббуслари билан пойтахтимиз марказида бунёд этилган муаззам Хотира майдонида ярим миллионга яқин ватандошларимизнинг аниқ исми-шарифлари, манзиллари, дафн этилган жойлари мармар тошларга зарҳал ҳарфлар билан ўчмас қилиб ёзиб қўйилди. Эндиликда бу майдон муқаддас зиёратгоҳлардан бирига айланди. Бундан ташқари, республика "Нуроний" жамғармаси ҳомийлигида 35 жилддан иборат "Хотира китоби" нашр этилди. Бу китобларда 430 мингдан ортиқ ватандошларимиз тақдири ҳақида тегишли маълумотлар жамланган.

Эндиликда, фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 60 йиллиги арафасида бу хайрли ва савобли иш янада изчиллик билан давом эттирилиб, "Хотира китоби"нинг қўшимча 3 жилди ҳам нашр этилди, бунда шу вақтгача китобга кирмаган 16 мингга яқин ватандош-халоскорларимиз номи қайд этилди. Бу Инсонни хотирлаш, қадрлаш эмасми?

Уруш йиллари халқимизнинг инсонпарварлик, байналмилалчилик руҳи ёрқин намоён бўлди. Собиқ иттифоқнинг ғарбий ҳудудларидан кўчириб келтирилган 200 мингдан зиёд етим-есир болалар, 100 минглаб катта ёшдаги аҳолини халқимиз ўзининг иссиқ бағрига олди, ўзи емай едирди, киймай кийдирди. Ўзбекистонимиз том маънода сиҳатгоҳлар, нажот масканига айланди.

Афсуски, уруш қатнашчиларининг кўпчилиги бугун сафимизда йўқ. Аммо, уларнинг муборак исми доимо тилимиз ва дилимиздадир. Расмий маълумотларга кўра, мамлакатимизда бугунги кунда 33 минг 721 нафар уруш қатнашчиси, 16 минг 204 та ҳалок бўлган жангчи оиласи, 286 минг 274 нафар фронт ортида меҳнат қилган юртдошларимиз яшамоқда, уларга ғамхўрлик кўрсатиш давлатимиз ва жамиятимизнинг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда.

Яқинда эълон қилинган "Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 60 йиллиги нишонланиши муносабати билан 1941-45 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронларини мукофотлаш тўғрисида"ги Президентимиз Фармонида ана шу масалага алоҳида урғу берилган. Уруш қатнашчилари ва ногиронларининг махсус юбилей медали ва пул мукофоти билан тақдирланиши Истиқлол даврида уларни қадрлаш борасида амалга оширилаётган қутлуғ ишларнинг узвий давомидир.

Юртбошимизнинг ўринли таъбири билан айтганда: "Буюк Ғалабани буюк жасоратли инсонлар таъминлаған ва биз, миннатдор авлодлар бу фидойи юртдошларимизни доимо улуғлаймиз, уларнинг бекиёс матонати ва хотираси олдида ҳурмат билан бош эгамиз".

Халқимизда "Қариси бор уйнинг париси бор" деган ҳикмат бор.

Шу маънода, айниқса мамлакатимизда 2005 йил — "Сиҳат саломатлик йили" шиори остида ўтар экан, сафларимизда барҳаёт бўлган уруш ва меҳнат фахрийларининг доимий равишда эътиборимизда бўлиши ниҳоятда хайрли ва савобли ишдир. Уларни эъзозлашимиз, шу билан бирга шундай ажойиб кунларга етолмай, ҳаётдан бевақт кўз юмган яқинларимиз, ҳамкасбларимиз, мураббийларимизни ҳам эслаб, руҳларини шод этиш инсонийлик бурчимиздир. Шу ўринда беихтиёр ёдимизга ҳассос шоир Мақсуд Шайхзоданинг қуйидаги ўлмас сатрлари келади:

**Дўстлар, яхшиларни**
**авайланг, асранг,**
**Салом деган сўзнинг**
**салмоғин оқланг!**
**Ўлганида юз соат йиғлаб**
**тургандан,**
**Тириклик чоғида бир**
**соат йўқланг!**

**Искандар РАҲМОН,**
**Фуқаро муҳофазаси института катта ўқитувчиси.**

*Кўргазмалар*

# ҚАМРОВИ КЕНГ АСАРЛАР ЎРИН ОЛГАН

**Ўзбекистон Бадиий академияси марказий кўргазмалар залида тасвирий санъат усталарининг ижод намуналаридан ташкил топган кўргазма очилди.**

Кўргазма рассомлар кунига бағишланди. Таъкидлаш жоизки, биринчи бор мана шундай кўргазма 2003 йилда ўтказилган бўлиб, рассомларимиз уни анъанавийлаштиришга келишиб олишди. Шундан буён Ўзбекистоннинг моҳир рангтасвир усталари Рассомлар кунига бағишланган апрель кўргазмасини ташкил этиб, уни анъанавий тарзда нишонлаб келмоқдалар.

Кўргазмадан 200 га яқин асарлар ўрин олган бўлиб, экспозиция уч қисмга ажратилган. Биринчи бўлим "Биз сизни хотирлаймиз" деб аталиб, марҳум рассомлар — рангтасвирчи Д.Имомов, Р.Чориев, И.Тўхтаев, К.Ткаченко, Н.Қўзибоев, графикачи Қ.Башаров, плакатчи А.Балканов, каштадўз Ф.Саидалиева, кулол Т.Турғунов хотирасига бағишланди. "Тошкент ва тошкентликлар" деб аталган иккинчи бўлимнинг номидан ҳам пойтахтимизга бағишланганлиги билиниб турибди. Унда ҳамшаҳарларимиз, гўзал пойтахтимиз каби мавзулар истеъдодли рассомларимиз асарларида акс этган.

Учинчи бўлимдаги картиналар "Жаҳон шоҳ асарлари Ўзбекистон рассомлари нусхаларида" деб номланиб, рангтасвирнинг турли жанрлари — натюрморт, портрет, мавзули полотнолар йўналишларида ишланган асарлар намойиш этилмоқда. Гап шундаки, ушбу бўлимдаги экспозиция намуналарида тарихнинг буюк ва машҳур рассомлари — Серов, Рубенс, Веласкес, Крамскойнинг асарларидан нусхаларни томоша қилишлари мумкин.

Кўргазмадаги асарларнинг мазмуни қамрови жуда кенг бўлиб, у уйғониш давридан то XX асргача бўлган вақтни ўзида мужассамлаган.

Кўргазма 5 майгача давом этади.

**Юлдуз РИЗАЕВА**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР


**АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!**

**1 апрелдан 1 майга**

қадар республикамиз ҳудудида "Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги" ўтказилмоқда. Шу муносабат билан Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари Сизларни ушбу хайрли тадбирда фаол иштирок этиб, йўл ҳаракати қоидаларига қатъий амал қилишингизни сўрайди.

**ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЧКИ ИШЛАР БОШ БОШҚАРМАСИ ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ БОШҚАРМАСИ**

**«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ»**
**республика бирлашмаси**

*Тошканбой Эгамбердиев номидаги Тошкент Давлат цирки*

**2005 йил 18 мартдан**

**Диққат! Диққат!**

**КУТИЛМАГАН ВОҚЕА**

Тошкент Давлат циркида

**ПАРИЖ-ТОШКЕНТ — ИСПАНИЯ**

транзит йўли асосида жаҳонда ягона

**РЕВЮ МУЗ ШОУСИНИ**

18 мартдан бошлаб томоша қилишга шошилинг!
Цирк кассаларида ҳозирча чипталар бор.
Жума, шанба, якшанбада
Биз Сизларни ўз шоумизда кутамиз. Келганингиздан афсусланмайсиз!!!
Томошаларга жамоа бўлиб келиш учун буюртмалар қабул қилинмоқда.
Чипталар цирк кассаларида сотилмоқда. Ҳақ турли шаклда тўланиши мумкин. Касса эрталабки соат 9.00 дан очиқ.

**Маълумотлар учун телефонлар:**
**144-35-91, 144-29-04, 144-32-23.**

## ЮСУФЖОН ҚИЗИҚ ҲАНГОМАЛАРИ

Даврадаги ўйин-кулгини томоша қилиб турганида амирнинг қулоғига Юсуфжон қизиқнинг "Уфф, бемаҳал туғилган эканман!" дегани эшитилибди. Бундан дарғазаб бўлган амир ўшқириб-ди:

— Нега бемаҳал туғиласан, ё менинг салтанатим ёқмай қолдими, айт!?

Амирнинг важоҳатидан қўрқиб кетган қизиқчи ўзини қўлга олиб, маъюс ҳолда дебди:

— Амирим, бир қошиқ қонимдан кечсангиз, гапираман.

— Кечдим гапир!

— Унда эшитинг. Мен бемаҳал туғилмоқчи эмасдим, ойим билан дадам келишиб олиб, мажбур қилишди-да!

* * *

Бир куни Мадаминбек қўрбоши йигитлари билан тоғда зериккандан Юсуфжон қизиққа тўрт кишисини юборибди. Борган йигитлар Мадаминбекнинг топшириғига биноан Юсуфжон қизиқни қора байталга тескари миндириб, олиб келишибди.

— Ҳа, қизиқ! — дебди кулимсираб Мадаминбек, — Йигитларни юбормасам, келмас экансиз-да, оқибат шуми?

— Йигитларингизга бўй бермасдим, аммо аммангизни ҳам юборган экансиз, юзларидан ўтолмай, узун сочларига махлиё бўлиб келавербман.

* * *

Юсуфжон қизиқни танимайдиган бир йигит тор кўча бошида унинг ўзини учратиб сўрабди:

— Юсуфжон қизиқнинг ҳовлиси қайси, билмайсизми?

— Ҳув анови қизил дарвоза!

Йигит бориб, қизил дарвозани тақиллатибди: — Юсуфжон ака! Ҳой Юсуфжон ака!

Сал орқарокда уни кузатиб келаётган Юсуфжон қизиқ овоз берибди:

— Ҳув, лаббай!

Йигит ҳайрон бўлиб, қайтиб келиб сўрабди:

— Юсуфжон қизиқ сизмисиз?

— Ҳа бизмиз.

— Унда нега ҳали сўраганимда менман, демадингиз?

— Унда мени эмас, ҳовлимни сўрагандингиз, йигитча!

## ЗАМОНАВИЙ МАҚОЛЛАР

- Молни кўрмай пул чиқарма. Қизни кўрмай гул.
- Йирик сотган бойиб кетади, Майда сотган тойиб кетади.
- Гул сотсанг тувагини олиб қол.
- Кўзи тўймаслигини қорни билади.
- Буюрганники эмас, югурганники.
- Югурганнинг қаноти бор, кутганнинг қаноати.
- Муомала билган тили билан қозон қайнатади.
- Сотиб кўрмаган харидор бўлолмайди.




КУЛИНГ ДЎСТЛАР, УМРИНГИЗ УЗОҚ БЎЛАДИ.

**Юсуфжон қизиқ Шакаржонов**

*Антиқа суҳбатлар*

### ОШХОНАДА

Ҳозиргина оловдан олинган қайноқ картошка лиқ тўла товоқни бир онахон зўрға кўтариб келарди. Идишнинг қизигани ҳатто рапидадан ўтиб кетибди. Сабри чидамаган онахонга эри бемалол:

— Ташла, бўлмаса тушиб кетади, — дермиш.

### ЎРМОНДА

Безори киши пичоқ ўқталиб ўрмонда кетаётган йўловчидан:

— Пулинг борми? — деб сўрабди.

— Нима қиласан пулни? — савол билан жавоб қилибди йўловчи болта кўтариб.

— Ҳа, шунчаки майдаламоқчи эдим.

### УЙДА

— Буважон, ўн сўм бериб туринг. Мен нафақадан қайтараман.

— Яна қанақа нафақа? Ҳали бешга ҳам тўлмадингку.

— Қанақа, қанақа... Бувимнинг нафақаларидан.

### АВТОБУСДА

Қария одамни туртганича бир йигит автобус эшигидан ичкарига кўтариларди:

— Бобой, шошилманг, ундан кўра нариги дунёни ўйласангиз-чи.

— Сенинг шу чаққонлигинг бўлса у ёққа ҳам мендан аввал борасан.



— Мен фақат солиқ инспекторидан қўрқаман.




Сўзсиз сурат.

**Абдурасул Ҳакимов чизган расмлар.**

## ПАРИЖЛИК КУЁВ

### ЁКИ ЙЎЛДАГИ ҲАНГОМАЛАР

Машинамга чет элликлар чиқса жуда хурсанд бўлиб кетаман. Балки бу хурсандчилик "чет эллик кира ҳақини кўпроқ беради", деган хаёлдан келиб чиқар. Буям рост, чунки ҳар қандай киракаш ҳам шундай деб ўйлаши турган гап. Аммо менинг хурсандчилигимнинг сабаби бошқачароқ, чет эллик чиқса у билан гаплашгим, суҳбат қургим келаверади. Бу — инсоннинг дунёни билишга бўлган доимий қизиқишидан келиб чиқса керак. Хуллас, бошқа юртдан келган одам билан учрашиб қолсам ундан мамлакати ҳақида сўрайман, у ерларда бўлган бўлсам ўша жойларни эслайман, юртимиз ҳақидаги фикрларини билишга қизиқаман.

Бу сафар машинамга ўтирган ёшгина, хипчадан келган, қарашлари ўткир йигитча рус тилида аранг гапириб Чилонзорга олиб бориб қўйишимни сўради. Анчагина жой, йўл-йўлакай гаплашгим келди. Мен уни америкалик деб ўйлаган эканман, йўқ француз экан. "Тиббиётчилар учун чегара чўт эмас" деб аталувчи халқаро идорада ишларкан, исми Жан экан. Мен Францияда бўлмасам-да бу мамлакат ҳақида кўп нарса ўқиганман, уёқ-буёқдан билганимча суҳбатлашиб кетдик. Енгил ҳазил гапимиз француз қизларига, уларнинг таърифи кетган гўзалликларига бориб тақалди. "Француз қизларини жуда гўзал бўлади, деб эшитганмиз, аммо ўзбек қизлари ҳам улардан қолишмайди, — дедим мен. — Тўғри, — деди парижлик йигит, — мен ҳам ўзбек қизига уйланганман... Ростданми? — деб сўрадим мен унча ишонқирамай. Ишонаверинг, мана никоҳ узугим, деб бармоғидаги тилло узугини менга кўрсатди Жан. Ана холос, бу чет эллик ҳали куёв чиқиб қолди-ку? Бир хурсанд бўлсам — бир ғашим келгандай бўлди: ким экан у европаликка индамай тегиб кетаверадиган ўзбек қизи? Балки ўзбек эмасдир... — Соф ўзбек қизи, исми — Малоҳат, — деди Жан менинг шубҳаларимни сезгандай. — Бизнинг идорада ҳамшира бўлиб ишлайди. Биз бир-биримизни севиб, ота-оналаримизнинг розилигини олиб турмуш қурдик, — деди Жан. Кейин яна қўшиб қўйди: Бу ерда ишим тугаса Парижга олиб кетаман... — Ҳа, хотининг бўлгандан кейин бир куни ўз юртингга олиб кетасан-да, деб қўйдим мен ичимда. Жаннинг эсига яна бир гап тушди шекилли, илова қилди: — Мен Малоҳатнинг истаги билан мусулмон динига кирдим. "Ло иллоҳа, илолоҳу..." — деб гапларининг исботи учун калима келтирди француз йигити. Унинг арабча калимаси француз тили оҳангида бўлса ҳам чин юракдан чиққанлиги билиниб турарди. Уни қаранг-а! Яшавор-е, ўз муҳаббати учун курашиб, пойдеворини ҳам мустаҳкамлаб чиққан ўзбек қизи! Яшавор, парижлик куёв!

Мен Жанни иззат-ҳурмат билан манзилига олиб бориб қўйдим ва бахт-саодат тилаб хайрлашдим. Ахир, куёвни пайғамбарлар ҳам сийлаган-да...

**Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ**

## БИР ҚАЙНОВИ ИЧИДА ГАПЛАР

- Сиз бир ёстиққа бош қўйган экансиз, бир жон ва бир тан бўлиб яшашингизни тилар эдим.

**(Тўйдаги тилакдан)**

- Бир қизнинг кетидан Али аканинг итидек лаққиллаб юраверасанми?

**(Отанинг ўғлига берган танбеҳидан).**

- Агар менга хиёнат қилсангиз осмонга чиқсангиз оёғингиздан, ерга кирсангиз қулоғингиздан тортиб оламан.

**(Эр- хотин жанжалидан).**

- Илҳомнинг мазаси қочиб қолибди. Шунинг учун у «гап»га келолмайди.

**(Улфатлар суҳбатидан)**

- «Кўринмас одам»ни кўриб анчагача ўзимга келолмай юрдим.

**(Киномухлислар суҳбатидан)**

- Ҳой қўшни, бу деймaн Санобархоннинг гулдай қизи бор-а!

**(Қўшнилар суҳбатидан)**

- Яшшамагур келиним ўғлимни ҳар куни саймундай ўйнатиб, бошида ёнғоқ чақади-я.

**(Қайнонанинг фиғонидан).**

- Сендадир хаёлим, сенинг хаёлинг, Ўзга бир одамда, яхши биламан.

**(Қўшиқдан)**

- Ака, шу ерда тушиб қолай.

**(Ҳайдовчига йўловчи илтимоси)**

## МУСАҲҲИҲ ЯНГЛИШГАНДА...

- Мен пақир одамман (фақир).
- Эрим бор-йўғини ечади (ичади).
- Хотиним шим қоқди (сим).
- Без ёрдам (тез).
- Товуқхоналарда яшаяпмиз (совуқ).
- Малика оширгани кетди (малака).
- Бақалоқ муборак (чақалоқ).
- Хештахта (пештахта).

## ЛАТИФА

Кўча эшиги олдида турган кўзи ожиз одам битта тангани юқорига бир неча бор отиб, илиб олаётган экан. Саккизинчи отишида танга кўлига келиб тушмабди. У ҳайрон бўлиб бирпас жим турибди-да, сўнг овоз чиқариб:

— Чайқовчи «жаноби олийлари», тезда тангани бу ёққа чўзинг, — дебди.

«Қани-чи, кўзи ожиз одам сезармикан» деб саккизинчи марта юқорига отилган тангани қўли билан илиб олган чайқовчи унга:

— Оббо қорией, қойилман сизга! Мен ҳазиллашиб илиб олган тангани сездингиз-а, офарин! Энди менга айтинг-чи, менинг чайқовчи эканлигимни қаердан билдингиз? — деб сўрабди ҳайратдан ёқасини ушлаб.

Шунда кўзи ожиз одам:

— Бундай номаъқулгарчиликни чайқовчидан бошқа ҳеч ким қилмайди, — деб жавоб берибди.

**Жаҳонгир ПИРМУҲАМЕДОВ**

**Саҳифа материалларини кулги устаси Валижон ШАМШИЕВ (Чаққонбек) ва ОҚШОМБЕКлар тайёрлашди.**

Шарқ дурдоналари

## Ўз-ўз ўрганиш доно бўлур...

● Эй ўғил! Бу насиҳатларга қулоқ сол, касбу ҳунар ўрганишдан ор қилма, меҳнат қилишни ўрган! Унутмагинки, юрт ва элнинг ривожи ҳам ҳунарга боғлиқ! Энг ҳалол ва энг ёқимли емиш ва кийим ҳунардан ҳосил бўлади! Ҳунар яширин хазина! Куни келиб дунё тасодифлари туфайли мол-мулкдан ажралсанг ҳам, ҳунардан ҳеч қачон ажралмайсан! Аксинча, у янада сайқал топиб бораверади. Ҳунар сенинг доимий ҳамроҳинг ва мададкорингдир.

● Дунёда энг ёқимсиз ва энг ёмон хислатлардан бири — ишламасдан бировлар иньомэҳсонига тама кўзини тикиб ўтиришдир. Бундай салбий хислатга эга бўлганлар ҳамма вақт қораланганлар. Эл орасида бекадр бўлганлар. Касбу ҳунар эгаси тамадан холидир. У ўз ҳунарининг фазилати туфайли ўз қўл меҳнати билан ҳалол топиб, ҳалол ейди.

● Билгинки, ҳунар дунёда молу пул ғамлаш, ундан ўз маишати учун фойдаланиш учунгина эмас. Ҳар қандай ҳунарманд киши ўз ҳунари билан одамларнинг кўнглини олмоғи, кўпчиликка ёрдам бериб, уларни хурсанд қилмоғи лозим. Зеро, Шайх Саъдий айтадики:

**Кишида бўлмаса фазлу ҳунардан,**
**Ундайнинг сувратдан нима фарқи бор?!**
**Ҳунар дунё тўплаш учун эмасдир,**
**Ўзгалар кўнглини шод қилган такрор!**

● Ҳакимлар одамнинг аҳмоғини ташқаридан кузатиб билиб оладилар. Аҳмоқ киши кўнглига нима келса оқибатини ўйламай қилаверади. Тажрибакор ва ақлли одамларнинг гапига қулоқ солмайди. Ақлсиз одамлар нима деса уларга рози бўлади. Ўзига ҳаддан зиёда бино қўяди. Кимки уни мақтаса ўша кишини яхши кўради. Сўралган нарсага оқибатини ўйламай жавобини бераверади. Ҳар бир ишда шошқалоқликка йўл қўяди. Илмдан холи, хатога эса кон бўлади. Бойиб қолса ёки бировга ҳожати тушмайдиган бўлиб қолса ҳеч кимни менсимай, мағрурланиб юради. Биров савол берса жавоб бергиси келмайди. Саволга қўполлик билан жавоб беради. Ўзи сўрамоқчи бўлса ялиниб сўрайди. Кулса қаҳ-қаҳ уриб кулади, йиғласа ундан ҳам ўтказади.

● Минг оғиз беҳуда сўздан бир луқма накд таом яхши.

● Унутмагинки, ҳар бир айтилган сўз кишининг юрагидан дарак беради.

● Бирор ерга борганда эзмаланиб узоқ ўтирмаслик ва ўтиришда эса фақат керакли сўзларни гапириш одамнинг қадру қимматини оширади.

● Дунёнинг барча ёмонлиги қулфланган бир уйга яширилган. Унинг калити бойликка бўлган ҳирсдир.

## ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

Таҳририятимизга шикоят билан келган 70 ёшлар чамасидаги отахон ўзини таништиргач гапни савол билан бошлади.

— Айтинг, ота-она фарзандни нима учун ўстиради?

Гапни чўзмай лўндасини айтиб қўя қолдик.

— Қариганимда қоримга ярасин деб.

— Яшанг. Лекин умид билан тарбиялаган ўғил-қизларингиз мункиллаб, уларга қарам бўлиб қолганингизда сизга қиё боқишмаса қай аҳволга тушасиз?

— Бунисидан Худо асрасин.

— Баракалла. Агар сизга айтсам ҳозир мен шундай аҳволдаман. Топармон-тутармон икки ўғил, бир қизим бўла туриб, ночор бир ўзим ҳовлида якках ёлғиз яшаяпман. Болалар менга мутлақо қарамай қўйишган.

— Бирор сабаби бордир ахир?

— Арзигулик сабаб ҳам йўқ. Лекин шуни баҳона қилиб қўлидан иш келмай қолган отани унутиш яхши эмасда. Хуллас болаларим бемеҳр чиқди. Шунинг учун уларнинг маошидан менга нафақа пули ундиришга ёрдам беринг, деб келдим.

Адолат қилишга ваъда бердик. Отахон бошини эгганича маъюс чиқиб кетди. Унинг ҳозирги ҳолатини кўриб ич-ичимиздан ачиндик. Қариганда ҳеч кимни шу кўйга солмасин дедик.

Орадан икки кун ўтиб ҳақиқатнинг тагига етиш учун шикоятчи яшайдиган маҳаллага бордик. Афсуски, кимдан сўраб-суриштирмайлик айбни отанинг ўзига қўйишди.

Содиқ ака ёшлигида аллақайси савдо идорасида ишлаган, шу ерда бегона аёл билан танишиб ёш болалари ва турмуш йўлдошининг оҳу-зорига қарамай уларни ночор аҳволда қолдириб, ўша топган аёли билан бўлиб кетган экан. Олдинлари ҳафтада, ойда бир марта келди-кетди қилиб турган. Орадан йил ўтиб оиласидан бутунлай воз кечган. Ёш болалари ёрдам сўраб отанинг уйига қидириб борганида ҳам ўгай она уларни уйига киргизмаган. Ота билан учрашишга йўл бермаган. Кейинчалик болалари ҳам отадан мутлақо умидини узишган.

Катта оилани тебратиш Салимахоннинг бўйнига тушган. У минг машаққат билан болаларини хор-зор қилмай катта қилган. Ақлли, ҳушли қиз ва ўғиллар ўқиб олий маълумотли бўлишган. Ҳозир улар турли соҳаларда ишлашаркан.

— Отамизга энди керак бўлиб қолибмизда, — дейди бизга катта ўғил Қодиржон. — Майли шу одам падаримиз экан унга қараб туришга мажбурмиз. Лекин унинг, ўгай онамизнинг бизга кўрсатган кароматларини эсласак юрагимиз зил кетади. Онажонимиз Салима опа 40 ёшларида оғир касалга чалиниб қолдилар. «Отангга айтадиган гапим бор, бир келиб-кетсин», дея тиқ этса эшик пойлаб ётдилар. Онамизнинг илтимосини у кишига етказганимизда ҳам отамиз келмади. Ҳатто онаизорим вафот этганида бир келиб фотиҳа ўқишга ярамаган инсондан биз фарзандлар қандай қилиб юз ўгирмайлик?

Воқеанинг ниҳояси шу бўлибдики, Содиқ ота нафақага чиққач севимли хотини уни уйдан ҳайдаб чиқарибди. Мана ҳозир у бир ўзи уч-тўрт йилдан бери отасидан қолган ночор ҳовлида яшаркан. Бу ерга қайтиб келгандан кейин ҳам болаларига тинчлик бермабди. «Уй меники, чиқиб кетларинг уни сотаман» деб болаларини қувибди. Кундалик можаролардан зада бўлган фарзандлар ҳовлини тарк этиб янги уй олиб кўчиб кетишибди.

Тағин ҳам болалар оқибатли экан. Улар маслаҳатимизга кўнишди. Ҳар қалай оталарига ёрдам бериб туришни ўз зиммаларига олишдию, лекин оталари билан бирга яшашдан воз кечишди. Начора. Қилмиш-қидирмиш деб шунга айтсалар керакда.

## ҚУВОНЧ ЁШЛАРИ

Аёл бор уй фариштали, сариштали деймизу, баъзан шу сўзимизга ўзимиз амал қилмаймиз. Бу оилада ҳам шундай бўлди.

— Бугун менинг туғилган куним. Ишдан барвақтроқ қайтарсиз адаси, — деди Ибохон йўлга отланаётган эрига.

— Туғилган кунинг бўлса нима бўпти. Ўзларинг ўйтиравераринг. Менинг бўлишим шарт деб ким айтди сенга, — деб ўшқирди Ҳалимжон аёлига.

Шу гап сабаб эр-хотин сан-манга бориб қолишди. Оқибат Ҳалимжон хотинининг юз-кўзи аралаш икки тарсаки туширдию чиқиб кетди. Калтак зарбидан Ибохон юзтубан ерга йиқилганича кўзини чангаллаб қолаверди. Оғриқ азоби бироз тарқагач, ўрнидан туриб ойнага қаради. Бир зумда қовоғи шишиб, кўз атрофи мошатолоқ кўкариб кетибди. Нима қилиш керак? Бегона кўзлардан яшириб уйда биқиниб ўтириб бўлмаса, бунинг устига ҳарқалай унинг туғилган кунини нишонлаб яқинлари келибкетса керак. Шу фикрда у ўрнидан туриб унга-бунга уриниб кетди. Онасининг ҳолини кўриб сўраб-суриштирган болалари, қўни-қўшниларга «ўтин тегиб кетди» деган баҳона қилди. Баҳонани ҳам хўп зўрини ўйлаб топган экан, бир қўшниси: «Вой ўртоқжон, газ ловуллаб ёниб турган хонадонда ўтинга бало борми?» деб уни мот қилди.

Кечқурун Ибохоннинг туғилган куни билан қутлагани чиққан қўшнилар, қариндош-уруғлар тарқади ҳамки, Ҳалимжондан дарак бўлмади. Ярим тунда безовта Ибохоннинг хаёлини бирдан жиринглаган телефон қўнғироғи бузди. У югуриб бориб гўшакни кўтарди.

— Алло, бу Ҳалимжон Қодировнинг уйларими?

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

— Ҳа, ҳа худди шундай.

— Сиз у кишининг аёллари бўласизми? Иложи бўлса тез етиб келсангиз. Эрингиз машина ҳалокатига учраб оғир аҳволда бизнинг касалхонамизга келтирилди.

Ибохон дарҳол кийинди. Катта қизи Лолани уйғотиб укаларига бош бўлишни тайинлади. Бўлган воқеани қизига чала-чулпа тушунтириб айтилган касалхона томон югурди...

Уни навбатчи шифокор ҳузурига бошлашди.

— Шу ерда қолишингизга тўғри келади. Ҳар қалай ўзингиз у кишига қараб турганингиз маъқул, — деди шифокор.

Бош-кўзлари оппоқ дока билан танғиб ташланган Ҳалимжон қийинчилик билан нафас оларди. Ибохон тонггача мижжа қоқмади. Ҳалимжонга шифокор айтган керакли дори-дармонларни бериб, қўлидан келганича муолажа қилиб чиқди.

Ҳарқалай эри эрталаб кўзини очди. Тепасида меҳрибон аёли турганини кўриб кўзидан ёш оқди.

— Кечир мени Ибо, — дея олди у зўр-базўр лаблари пичирлаб.

## БИР ОҒИЗ СЎЗ

Кайфиятим бузилиб бир аҳволда уйга қайтсам кампирим:

— Ҳа, отаси, — бугун бироз нохушроқ кўринасиз? — деб қолди.

Жеркиб берай дедиму, ўзимни тутдим. Ростда, ахир бу бечорада нима гуноҳ.

— Ҳа, энди шундоқ, гоҳ худ, гоҳ беҳуда онаси, — деб қўйдим тўнғиллаб.

— Ўзингизнинг қон босимингиз бўлса ҳар нарсага тажанг бўлаверасизми, — деди у. Кейин қўлидаги бир парча қоғозни менга тутқазди. — Яхшиси мана буни ўқинг.

Истар-истамай ғилофдан кўзойнагимни чиқариб қоғоздаги ёзувларга термулдим. Унда: «Ҳурматли Муборак хола, туғилган кунингиз билан чин юракдан табриклаймиз. Сиз бизнинг фахримиз бўлган онахонимизга узоқ умр, бахт-саодат тилаймиз. Жамоамиз номидан мана шу арзимас совғани қабул қилгайсиз», деган сўзлардан кейин мактубга корхона раҳбари ва касаба уюшмаси раисининг имзоси қўйилибди.

— Ана кўрдингизми отаси, — дейди кампирим тушмагур хурсанд бўлиб, жамоаси тақдим этган чинни буюмларни бирма-бир кўрсатиб. — Корхонадан кетганимга беш йил бўлибдики, бошлиқларимиз туғилган кунимда бирор совға билан мени йўқлашни унутишмайди. Барибир дунёда яхшилар кўпда отаси.

Ҳа, яхшилар кўп дунёда, дейман ўзимга ўзим. Биргина мана шу сўз юрагимдаги аччиқ ғуборларни бир зумда тарқатиб юборди.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

## ЙЎЛОВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Алишер Навоий кўчасидаги трамвай йўли қурилиши ниҳоясига етказилганлиги муносабати билан 2005 йил 29 апрелдан бошлаб, 27-трамвай йўналиши тикланади. Трамвайлар қатнови "Тошкент" вокзали"дан бошланиб, Туркистон, Мовароуннаҳр, Шаҳрисабз, А.Навоий, У.Юсупов, Турккўрғон, С.Йўлдошев, Мискин, ТКҲЙ (Тошкент Кичик ҳалқа йўли), Бобожонов, Мирпўлатов, Қорасарой, Тараққиёт, М.Шамсуддинов кўчалари орқали "Қорақамиш 1/2 мавзеси"гача бориш усулида ташкил қилинади.

Шунингдек, 8-трамвай йўналиши қисман ўзгартирилади ва қатновлар А.Навоий, Шаҳрисабз, Мовароуннаҳр, Туркистон кўчалари орқали "Тошкент" вокзали"гача бориш усулида ташкил қилинади.

**"Тошшаҳарйўловчитранс" акциядорлик компанияси**

**Европа усулида пардалар**
**Тел: 144-67-11 (иш)**
**127-72-49**
**53-45-93 (18.00 дан)**

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»**
**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.**
**Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-29-09.**
**Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 204-хона.**



**Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги**

**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95, 136-57-65.
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
3868 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**